Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46 йил чиқиши
№ 141 (12.795).
19 июнь 1964 йил
Жума
Баҳоси 2 тийин

ГАЗЕТАНИНГ БУГУНГИ СОНИДА: Дания ўртоқ Н. С. Хрушчевни олқишламоқда ❋ Механизатор, „зангори кема"лар тахт бўлсин ❋ Ғалла фронтидан хабарлар ❋ *Ғаллани ўриб олиб, маккажўхори экинг* ❋ Қардош туркман пахтакорлари вакиллари Хоразм далаларида ❋ Шаҳрисабзда ғўза парвариши суст ❋ Совет футболчилари финалга чиқдилар ❋ **Чет эл телеграммалари**

МАШИНА ТЕРИМИГА ҲОЗИРДАН ШАЙЛАНИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети 1964 йилда машинада пахта теришни ривожлантириш масаласини қараб чиқдилар.

Ўтган йил республикамиз колхоз ва совхозлари пахта теримини механизациялаш соҳасида бирмунча ютуқларни қўлга киритганликлари қарорда алоҳида таъкидланади. Кўпчилик хўжаликлар пахтачиликда механизацияни қатъийлик билан планли равишда жорий этганликлари туфайли мўл ва арзон пахта етиштирдилар ҳамда уни қисқа муддатда йиғиштириб олдилар. Бир қатор хўжаликларда ҳозирнинг ўзидаёқ пахта етиштириш ва уни йиғиштириб олиш ишлари амалда тўла механизациялашгандир.

Механик-ҳайдовчиларнинг малакаси ҳам анча ошди. Уларнинг сафига Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Жавод Кўчиев ва бошқа «зангори кема» усталарининг юзлаб издошлари келиб қўшилди. 3500 га яқин механик-ҳайдовчи мавсум топширигини ошиғи билан бажарди, 500 дан ортиқ киши мавсумда 100 тонна ва ундан ҳам ошириб пахта терди.

Кўпчилик колхоз ва совхозлар пахтани машинада теришга яхши тайёргарлик кўрдилар ва бу ишни уюшқоқлик билан ўтказдилар. Йиғим-теримнинг қизғин кунларида машиналар билан ҳар куни 18-20 минг тоннагача ҳамма-маси бўлиб эса қариб 578 минг тонна «оқ олтин» териб олинди.

Республика совхозларида ҳосилнинг қариб учдан бир қисми «зангори кема»лар терилди. Сирдарё области колхоз ва совхозларида 145 минг тонна ёки ялпи ҳосилнинг 36 процента «зангори кема»лар билан териб олинди. «Совой» совхози йиғим-терим ишларига четдан ёрдамчиларни жалб этмай, пахта тайёрлаш планини 20 иш кунида бажарди. Бу ерда машиналар билан ҳосилнинг 69 процента териб олинди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ҳосилнинг 75 процентидан кўпроғи машиналарда териб олиниб, пахта тайёрлаш плани 29 кунда бажарилди.

Сурхондарё ва Хоразм областлари, 17 та ишлаб чиқариш бошқармаси, 42 совхоз ва 260 колхоз пахтани машинада териш планини бажарди.

Республикамизда пахтани қоп-қанорсиз ташишга катта эътибор берилмоқда. 1963 йилда 3 миллион 334 минг тонна ёки ҳамма ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи қоп-қанорсиз ташилди.

Лекин ана шундай катта имкониятлар бўлгани ҳолда кўпчилик хўжаликлар, ишлаб чиқариш бошқармалари ва областлар пахта териш машиналаридан қониқарсиз фойдаландилар. Машинада пахта териш айниқса Бухоро областида жуда қониқарсиз ташкил этилди. Шунинг оқибатида областда машина билан пахта териш плани 53,8 процент бажарилди, холос. Бу ерда ялпи пахта ҳосилининг фақат 6,8 процентигина «зангори кема»лар терилди. Қорақалпоғистон АССРда ҳам машина терими плани 64,5 процентда қолиб кетди. Тошкент, Фарғона, Андижон ва Самарқанд областларида ҳам машина билан пахта териш планлари бажарилмади.

Фарғона областидаги «Партия XXII съезди», Жданов номли, Самарқанд областидаги «Боғизогон», «Гулбоғ», Бухоро областидаги «Гигант», «Когон», Қашқадарё областидаги «Партия XX съезди», «Косон», Карл Маркс номли, Ленин номли, «Партия XXII съезди», Қорақалпоғистон АССРдаги Куйбишев номли, «Шуманай» совхозларида машиналар билан ялпи ҳосилнинг ўндан бир қисмидан ҳам камроғи териб олинди. Бекобод, Юқори Чирчиқ, Калинин, Жиззах, Охунбобоев, Киров (Фарғона области), Андижон, Балиқчи, Наманган, Янгиқўрғон, Булуқтур, Самарқанд, Ғиждувон, Навоий, Термиз, Шеробод ва Кегайли ишлаб чиқариш бошқармалари машинада пахта териш планларини барбод бердилар.

Республикадаги кўпгина хўжаликларда пахта йиғим-терими технологиясига риоя қилинмади. Кўпинча даладаги ҳосилнинг оз қисми пишиб етилиши биланоқ терим машиналари ишга туширилди. Кўпгина далаларда бегона ўтлар машиналар ишини қийинлаштирди, машина қайтадиган жойлар тайёрланмади, ўқариқлар текисланмади. Катта майдонлардаги ғўзанинг барги жуда кеч тўкитириди, Айниқса Андижон, Фарғона, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССРда бу соҳада катта нуқсонларга йўл қўйилди.

Ғўза барги яхши тўкилмаган ва бегона ўт босган далаларда машина пахтани ифлос қилиб терди, толага кўк ранг урди ва пахта тозалаш заводлари ностандарт тола ишлаб чиқардилар.

Баъзи ҳолларда ишчи кучига бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмаган ҳолда теримга четдан кишиларни жалб қилиш натижасида йиғим-терим техникаси иш билан таъминланмай қолди. Шундай ҳоллар ҳам юз бердики, пахта қўлда терилгандан сўнг ана шу майдонларга терим машинаси солинди; машина билан қайта-қайта теришга йўл қўйилди. Бўларнинг ҳаммаси пахтани машинада теришнинг иқтисодий самарасини анча камайтирди.

Кўпгина колхозлар, совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармалари, «Узсельхозтехника» органлари механик-ҳайдовчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилмадилар. Баъзи хўжаликларда билим юртлари ва курсларни битирган механик-ҳайдовчилар пахтани машина билан теришда қатнаштирилмади. Механик-ҳайдовчиларга иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик, уларга ишнинг юксак сифати учун белгиланган мукофотни бермаслик ҳоллари ҳам юз берди.

Тайёрлаш пунктларида машинада терилган пахтани қабул қилиб олишни ташкил этишда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Кўпгина тайёрлаш пунктлари машинада терилган пахтани, шунингдек қўлда терилган ва қоп-қанорсиз ташиб келтирилган пахтани тўхтовсиз қаэмасликлари маълум бўлиб қолди. Қуритиш-тозалаш цехлари кўпинча бир сменада ишлади ва машинада терилган пахта ўз вақтида тозаланмади.

Ана шу камчиликларнинг ҳаммаси кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, ишлаб чиқариш бошқармалари ва бошқарма партия комитетлари, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари, «Узсельхозтехника» органларининг раҳбарлари пахтани териб олишни механизациялаш масаласига етарли эътибор бермаётганликлари, пахтачиликнинг ана шу туб масаласини ҳал қилишда принципиаллик ва қатъиятлик кўрсатмаётганликлари туфайли юз берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қарорда шу нарсани таъкидладиларки, машина теримига ҳар томонлама тайёргарлик кўриш ва уни намунали ўтказиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органларининг, область партия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларининг, колхоз ва совхозлар ҳамда хўжаликлар бошланғич партия ташкилотлари раҳбарларининг энг муҳим вазифасидир.

1964 йилда Тошкент области бўйича 150 минг тонна, Сирдарё области бўйича 240 минг тонна, Фарғона области бўйича 75 минг тонна, Андижон области бўйича 143 минг тонна, Самарқанд области бўйича 65 минг тонна, Бухоро области бўйича 45 минг тонна, Қашқадарё области бўйича 16,5 минг тонна, Сурхондарё области бўйича 52 минг тонна, Хоразм области бўйича 100 минг тонна ва Қорақалпоғистон АССР бўйича 50 минг тонна пахтани машиналар билан териб олиш юзасидан республика колхоз ва совхозлари қабул қилган социалистик мажбурият маъқулланди.

916 минг гектар майдонда (қайта дорилашни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ғўза баргини тўктириш учун дори сепиш, шу жумладан Тошкент областида 155 минг гектар, Сирдарё областида 205 минг гектар, Фарғона областида 80 минг гектар, Андижон областида 135 минг гектар, Самарқанд областида 71 минг гектар, Бухоро областида 55 минг гектар, Қашқадарё областида 20 минг гектар, Сурхондарё областида 55 минг гектар, Хоразм областида 75 минг гектар ва Қорақалпоғистон АССРда 65 минг гектар майдонга ғўза баргини тўктириш учун дори сепиш кўзда тутилди. Граждан ҳаво флотининг Ўзбекистон территориал бошқармаси дефолиацияни амалга оширади.

(Давоми иккинчи бетда).

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ДАНИЯДА БЎЛИШИ

КОПЕНГАГЕН, 17 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Дания пойтахтида кўпдан бери яшовчи кишилар ҳали шу чоққача бирорта ажнабий меҳмон ҳозир Данияда расмий визит билан меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев сингари шу қадар эўр эътиборга ва эўр қизиқишга сазовор бўлган эмас эди, дейишади. Дарҳақиқат, Н. С. Хрушчевга эътибор ғоят катта бўлмоқда.

Бугун пойтахтдаги ҳамма газеталар ўзининг бир неча саҳифасини Совет ҳукумати бошлигининг Данияда бўлишига тааллуқли материалларга бағишлади. Шу воқеага оид кўпдан-кўп фотосуратлар, репортажлар эълон қилинмоқда. Дания радиоси билан телевиденеси Н. С. Хрушчевнинг сафари тўғрисида ҳар куни бир неча марта махсус программалар эшиттирмоқда ва кўрсатмоқда. Копенгагенга ҳар тарафдан йиғилиб келган уч юздан ортиқ чет эллик мухбир эрта саҳардан то қош қорайгунча ҳурматли меҳмоннинг изидан қолмаяпти. Совет ҳукуматининг бошлиғи истиқомат қилаётган «Ройяль» меҳмонхонасининг олдида ҳалойиқ доимо тўпланиб турибди.

Н. С. Хрушчевнинг Данияга қилган сафари давом этмоқда. Совет кишилари сингари Дания халқи ҳам унга тўла муваффақият тиламоқда.

* * *

КОПЕНГАГЕН, 17 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчев Данияга қилган расмий визитининг иккинчи кунида Дания бош министри Е. О. Краг билан унинг Мариенборгдаги ёзлик резиденциясида музокаралар бошланди.

Музокаралар 2 соатдан ортиқ давом этди.

Бугун кундузи Копенгаген яқинидаги Фреденсборг саройида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Дания короли Фредерик IX нинг шахсий қабулида бўлди.

Дания короли ҳурматли совет меҳмони шарафига нонушта-зиёфат берди.

* * *

КОПЕНГАГЕН, 17 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Дания короли Фредерик IX нинг Фреденсборг саройидаги ёзги резиденциясида унинг ҳузурида бўлди. Суҳбатда Дания бош министри Е. О. Краг ва СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ҳозир бўлдилар.

Король Фредерик IX СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев шарафига нонушта-зиёфат берди.

Нонушта-зиёфат вақтида Фредерик IX ва Н. С. Хрушчев қадаҳ кўтариб нутқ сўзладилар.

* * *

КОПЕНГАГЕН, 17 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). 17 июнда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан Дания Бош Министри Е. О. Краг ўртасида музокаралар бошланди.

Дўстона вазиятда ўтган музокаралар вақтида Совет Иттифоқи билан Дания муносабатларига тааллуқли кенг кўламдаги масалалар устида ошкора, фойдали равишда фикрлашиб олинди.

Н. С. Хрушчев билан Е. О. Краг СССР ва Дания ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилганлигини мамнуният билан қайд қилиб, совет ва Дания халқларининг манфаатлари йўлида, тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатлари йўлида бу муносабатларни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

* * *

КОПЕНГАГЕН, 17 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Копенгагеннинг одатда сокин бўлган Беллымансгаде кўчаси бугун одамлар билан лиқ тўлди. Йўлларга, балконларга, деразалар ёнига кўп киши тўпланган эди. Тушдан кейин СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бу ерга келди. Дания бош министри Е. О. Краг ҳам у билан бирга келди.

Даниялик мезбонларнинг таклифига биноан, Н. С. Хрушчев бу ерда бир неча квартирани кўздан кечирди.

Никита Сергеевич яна икки квартирада бўлиб, унда истиқомат қилувчи пенсионер Амалия Аренс ва инвалид Эрик Эрвин билан танишди.

Совет меҳмонини ҳамма жойда ғоят шодиёна кутиб олдилар.

Шу кўчада болалар боғчаси ҳам бор. Бугун болалар боғчаси Совет ва Дания байроқчалари билан безатилган. Хоналар байрам тусини олган, ҳамма жойда гуллар кўзга ташланади. Никита Сергеевич болалар билан қизғин саломлашади, уларни оталарча қучоғига олади. Болалар азиз меҳмон шарафига совет қўшиғи «Ҳар доим бўлсин қуёш»ни ва бошқа бир неча қўшиқни рус тилида ижро этдилар.

Кетиш вақти яқинлашди. Никита Сергеевич болалар билан самимий хайрлашиб, боғчадан чиқади.

* * *

КОПЕНГАГЕН, 18 июнь. (ТАСС). Кеча кечқурун Дания ҳукумати Кристиансборг саройида СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари ҳозир бўлдилар.

Дания томонидан зиёфатда Дания бош министри Е. О. Краг, Дания ҳукуматининг аъзолари, фолькетинг депутатлари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Зиёфат вақтида Е. О. Краг ва Н. С. Хрушчев нутқ сўзладилар.

* * *

КОПЕНГАГЕН, 18 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Расмий сафар билан Данияда меҳмон бўлиб турган Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев бугун эрталаб самолётда Копенгагендан Фюн оролига жўнаб кетди. Н. С. Хрушчев бу оролда қишлоқ хўжалиги билан танишади ҳамда даниялик улуғ эртанчи Андерсеннинг ватани Оденсе шаҳрида бўлади.



Избоскан ишлаб чиқариш бошқармасидаги 8-совхози 3-бўлимидаги ғаллачилик бригадасининг бошлиғи Х. Сатторов (чапда) ва совхоз партия комитетининг секретари Х. Носиров ўртоқлар ҳосилнинг чўғини кўришяпти. Ўнгдаги суратда шу совхозда арпани группа бўлиб ўриш пайти тасвирланган.

А. Воропаев фотолари.

Ғалла фронтида

КОМБАЙН ИЗИДАН СЕЯЛКА

Тонг. Ҳаммаёқ жим-жит. Фақат ариқнинг нариги лабидаги универсал мотори «дук-дук» уриб турибди. Фазлиддин қўлидаги латта билан ўз «чопари»нинг уёқ-буёғини тозалаб ярди. Хотиржам бўлиб рулга ўтирди. Агрегат ўрнидан астё қўзғолди...

Фазлиддин агрегати билан ҳозир маккажўхори экаётган шу майдонларда яқингинада олтин бошоқлар чайқалиб турган эди. Ана шу олтин бошоқларни бунёд этиш учун озмунча меҳнат қилингани йўқ. Ҳар гектар ерда 100 центнердан дон етиштиришга аҳд қилган Маҳмуд Ҳамроев бошлиқ бригада аъзолари йил бошидан ишни пухта қилдилар.

Бошоқлар етилиши билан моҳир комбайнчи Бурхон Икромов ишга тушди. Қисқа вақт ичида бригаданинг 20 гектар майдондаги арпаси ўриб олинди. Ҳар гектар ердан 47 центнердан ҳосил кўтарилди. 50 гектар майдондаги ғарқ пишган буғдойга ҳам ўроқ тушди. Дастлабки ҳисоб-китоблар ҳар гектар ердан 50 центнердан ошириб буғдой дони олиш мумкинлигини кўрсатяпти.

Давлатга 44 тонна дон сотиб, планни областда биринчи бўлиб адо этган Наманган бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозининг ғаллакорлари 140 гектар ғаллазорда мўл ҳосил етиштирдилар.

— Деҳқончиликда ҳар бир ишни ўз вақтида, кўнгилдагидек бажарган киши ютади — дейди дончилик бригадасининг бошлиғи Маҳмуд Ҳамроев. Биз суғориладиган майдондаги донни тезда ўриб олиб, пешма-пеш шудгор қиляпмиз. Квадратлаб «ВИР-156» нав маккажўхори экяпмиз. Ҳозир қуёшнинг ҳарорати анча юқори. Шунинг учун тупроқ қизиб кўпчийди, уруғлик тез униб чиқади. Экинни эрта озиқлантириб, юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қиламиз ва чорва моллар учун мўл-кўл ширали озуқа етиштирамиз. Арпадан бўшаган 20 гектар ерга маккажўхори экиб бўлдик. Ана шу майдоннинг ҳар гектаридан 800 центнердан кўкпоя оламиз. Бундан ташқари 30 гектар ерга дон учун маккажўхори экканмиз, яхши парвариш қилинган кўчатлар нормал ўсяпти, мўлжалимиз гектаридан 65 центнердан дон олишдир.

Етти йилликнинг олтинчи йилида 600 тонна дон етиштиришга аҳд қилган колхоз ғаллакорлари пишиб етилган арпа ва буғдойни тезда йиғиштириб олиб, ўрнига пешма-пеш иккинчи экин экиш, уни текис ундириб олиш учун астойдил қурашяптилар.

С. ШОКАРИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҒАЛЛА—ДАВЛАТГА

Тошкент областидаги колхоз ва совхозларнинг ғаллакорлари давлатга дон сотиш ва топширишга киришдилар. Калинин, Янгийўл, Урта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликлар арпа ва нўхатнинг дастлабки тонналарини тайёрлов пунктларига келтириб бердилар.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхознинг Аҳмад Усмонов бригадаси суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 100 центнер ҳосил олиш учун курашмоқда. Бу бригада гектар бошига 46 центнер арпа ўриб олди. Ғаллакорлар «ВИР-42» деган маккажўхори навини такрорий экишга киришдилар.

Тошкент ғаллакорлари бу йил Ватанга 4,7 миллион пуд дон топширишга ваъда беришган. (ЎзТАГ).

Мажбурият бажарилди

Наманган ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозининг ғаллакорлари давлатга дон сотиш юзасидан ўз мажбуриятини Ўзбекистонда биринчи бўлиб бажарди. Колхоз уруғлик фондини тўла ғамлаб қўйди. Давлатга дон сотиш давом эттирилмоқда.

(ЎзТАГ).

БУХОРО ДЕҲҚОНЛАРИ ВАХТАДА

БУХОРО. Қизилтепа тайёрлов пунктига дон ҳосилининг дастлабки тонналари қабул қилинди. Бу донни Вобкент ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз ғаллачилик бригадасининг бошлиғи Очил Мўминов олиб келди. У, айни бир маҳалда колхоз правлениесига раислик қилмоқда. Бригада ҳар гектар ердан 45 центнер дон етиштирди. Бошоқли экинларни йиғиштириб олгач, ўрнига маккажўхори билан оқ жўхори экади.

Қоранўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликлар ҳам давлатга дон сотишга киришди. Бухоро деҳқонлари давлатга ярим миллион пуд дон сотишга аҳд қилишган. Бу — ўтган йилдагидан беш баравардан зиёд кўпдир.

* * *

Қоракўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоз ғаллакорлари давлатга 210 центнер ўрнига 280 центнер дон топшириб, йиллик планни ортиғи билан адо этдилар.

Колхознинг Раҳмат Тўраев бошлиқ ғаллачилик бригадаси дони йиғиштириб олинган ерларни дарҳол ҳайдаб, такрорий экин экмоқда. Ҳозиргача 60 гектар майдоннинг 10 гектарига маккажўхори экилди.

ҒАЛЛАНИ ТЕЗ ВА СОЗ ЎРИБ ОЛАЙЛИК ❋ ЎРИШ БИЛАН ЯНЧИШ ЎРТАСИДА УЗИЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСИН ❋ ДОННИ СИРА НОБУД ҚИЛМАЙ, БИРИНЧИ ХИРМОНДАН ДАВЛАТГА ТОПШИРАЙЛИК!

МАШИНА ТЕРИМИГА ҲОЗИРДАН ШАЙЛАНИНГ!

(Боши биринчи бетда)

«Узсельхозтехника» бирлашмаси ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига пахта териш техникасини ремонт қилиш ва тайёрлаш суръатини кучайтириш учун, бу ишнинг йиғим-теримгача чўзилиб кетишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўриш таклиф этилди. Пахта териш машиналарини, транспорт ва юклаш-тушириш воситаларини 1 сентябрга қадар, пахта тозалайдиган ва кўрак терадиган машиналарни 1 октябрга қадар, ғўзапоя юладиган машиналарни 15 октябрга қадар тахт қилиб қўйиш керак. Бунинг учун «Узсельхозтехника» ремонт корхоналарининг, совхозлар ва колхозлар устахоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, ремонт ишлари сифатини ошириш ва таннархини камайтириш зарур.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига қуйидагилар таклиф қилинди: 10 кун ичида пахта териш техникасини ремонт қилиш графигини тузиб чиқиш ва унинг бажарилиши юзасидан назорат ўрнатиш;

пахта териш машиналари, кўрак чувиш ва транспорт воситаларининг ёнғинга қарши кураш воситалари ҳамда ишнинг хавфсиз бўлиши учун ҳимоя ускуналари билан таъминланишини кузатиб бориш;

июнь ойида ҳар бир колхоз ва совхозда пахта териш техникаси қандай аҳволда эканлигини ва қандай сақланаётганлигини ҳар томонлама пухта текшириб чиқиш. Текшириш якунларини хўжаликлар ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг ишлаб чиқариш кенгашларида муҳокама қилиш, аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш ва бунда хўжаликларга келтирилаётган янги «ХТ-1,2» осма пахта териш машиналарининг қандай сақланаётганлигига алоҳида эътибор бериш.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органлари, область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига қуйидагиларни амалга ошириш таклиф қилинди:

ҳар бир хўжаликда ва бригадада олдин машина теримига ажратилган майдонларни муфассал текшириб чиқиб, ҳосили машинада терилдиган майдонларни ажратишни 10 кун ичида тугаллаш. Машина теримига биринчи навбатда йирик, ҳосили барвақт етиладиган участкалар ажратилсин. Ана шу далаларда барвақт пишадиган мўл ҳосил етиштирилишини ва пахта териш машиналарининг нормал ишлаши учун қулай шароит бўлишини таъминлайдиган агротехника тадбирлари комплекси амалга оширилсин. Экинларни табақалаштириб парвариш қилиш йўли билан ғўзанинг ривожланишидаги хилма-хилликни тугатишга алоҳида эътибор бериш зарур;

механик-ҳайдовчилар танлашни дарҳол тугаллаш ва уларни ишлаб чиқариш бошқармаларида бирма-бир тасдиқдан ўтказиш;

терим машиналарининг икки сменада ишлатилишини кўзда тутиб механик-ҳайдовчилар тайёрлаш, бунинг учун биринчи навбатда колхоз ва совхозларнинг энг тажрибали механизаторлари ва шофёрларни жалб қилиш;

«Узсельхозтехника» район бирлашмалари ва совхозлар ҳузуридаги курсларда механик-ҳайдовчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш планини тасдиқлаш.

Қорақалпоғистон область партия комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Сирдарё область партия комитети ва область ижроия комитетига механик-ҳайдовчилар тайёрлаш учун Профессионал-техника таълими давлат комитетининг механизациялаш билим юртларига ёшларни юбориш планининг бажарилиши учун тегишли чораларни кўриш таклиф қилинди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети пахтани машинада теришга тайёргарликнинг аҳволини июль ойида ишлаб чиқариш бошқармалари ва «Узсельхозтехника» район бирлашмалари раҳбарлари иштирокида Тошкентда ўтказиладиган махсус кенгашда муҳокама қилишни зарур деб топдилар.

Министрликлар, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Профессионал-техника таълими давлат комитети раҳбарларининг, институтлар ректорларининг йиғим-терим мавсумига қадар олий ўқув юртларининг студентлари ва техникумларнинг ўқувчиларидан 5250 механик-ҳайдовчи тайёрланади, деб айтган гаплари маълумот учун қабул қилинди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ҳамда «Узсельхозтехника» бирлашмасига ўқувчилар ва шофёрлардан механик-ҳайдовчилар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилиш топширилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область ва шаҳар партия комитетларига, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига ўтган йили пахта териш машиналарида муваффақиятли ишлаган Соколовский, Николаев, Абрамов, Зефиров, Мансуров, Солихов ва бошқа шофёрларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, иккинчи касб — механик-ҳайдовчилик касбини ўрганиш ва пахтани машинада теришда колхоз ҳамда совхозларга ёрдам беришга аҳд қилган бир неча хўжаликлар шофёрларининг ватанпарварлик ҳаракатини кенг оммалаштиришни топширдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот бўйича давлат комитетига машина теримини ташкил қилиш қоидаларини, кундалик ишни ҳисобга олиш учун механик-ҳайдовчи китобчасини, ғўза баргини тўктириш юзасидан инструкцияни, механик-ҳайдовчилар ва пахтани машинада териш билан банд бўлган бошқа кишилар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги, 1963 йилда пахта териш машиналаридан фойдаланишдаги илғор тажрибаларни пропаганда қилувчи китобчалар ва варақаларни 1 августга қадар оммавий тираж билан нашр қилиш топширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига қабул қилинган табақалаштирилган иш нормаси ва белгиланган тариф сеткасига мувофиқ, ҳар бир бригада учун машинада терилган бир тонна пахтага қанча миқдорда ҳақ тўланиши белгилаб қўйилишини таъминлаш таклиф қилинди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига, область пахта тайёрлаш трестларига ва пахта заводларининг директорларига пахта қабул қилиш пунктларини ва қуритиш-тозалаш цехларини янги ҳосилни қабул қилиб олишга ўз вақтида тайёрлаб қўйилишини таъминлаш, бунда машинада терилган пахтани, шунингдек қоп-қанорсиз ташиб келтирилган пахтанинг ҳаммасини тўхтовсиз қабул қилиб олиш учун моддий-техника базасини тайёрлашга алоҳида эътибор бериш топширилди.

Область партия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетларига ўтган йили машина теримини яхши ташкил этган Қўрғонтепа ишлаб чиқариш бошқармаси ва республикадаги бошқа илғор хўжаликлар тажрибасини оммалаштириш юзасидан ташкилотчилик ишларини кучайтириш; механизаторлар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг машина теримига аъло даражада тайёргарлик кўриш учун курашдаги ижодий активлигига бошчилик қилиш; механизаторлар орасида оммавий-агитация ва пропаганда ишларини кучайтириш; машина теримига намунали тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришда колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотларига ёрдам бериш таклиф қилинди.

Республика, область газеталари ва ишлаб чиқариш бошқармалари газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига пахтани машинада теришга тайёргарлик кўришнинг ва машина теримининг боришини кенг ёритиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини, энг яхши механик-ҳайдовчиларнинг ишларини намуна қилиб, кўрсатиш таклиф қилинди.

* * *

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари, механизаторларимиз, республикамиз қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари шонли юбилейни — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, пахтани машинада териш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун куч-ғайратларини аямайдилар, пахтачиликда техника прогрессини жорий этиш ишида янада янги муваффақиятларга эришадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИНИНГ СЪЕЗДИ

16—17 нюнда Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамиятининг X съезди бўлиб ўтди. Съездда икки миллион кишидан иборат жамият аъзоларининг вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. М. Мусахонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республика Қизил Ярим Ой жамияти X съездига йўллаган табрикномасини ўқиб берди.

Совет ватанпарварларининг Ўзбекистондаги ана шу энг оммавий кўнгилли ташкилоти олиб бораётган кўп қиррали ишларга доир актуал масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамияти Марказий Комитетининг раиси М. Т. Марипов билан ревизия комиссиясининг раиси В. И. Бедернинг ҳисобот докладларида ҳамда делегатларнинг нутқларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, касалликларнинг олдини олишдан иборат умумхалқ курашига жамиятнинг қўшаётган ҳиссаси узлуксиз суратда кўпайиб бораётганлиги айтилди.

Тўрт йиллик ҳисобот даврида жамиятнинг кенг омма билан алоқалари тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланганлигидан яққол далолат берувчи мисоллар келтирилди. Шу давр ичида 700 минг янги аъзо қабул қилинган. Саноат корхоналарида, колхозларда, совхозларда, муассасаларда мингдан ортиқ янги бошланғич ташкилот тузилган. Тошкент, Андижон, Самарқанд область ташкилотлари анча ўсган. Санитария активларини профилактика ва соғломлаштириш тадбирларида қатнашиш учун тайёрлаш ва жалб этиш кўлами кенгайган. Неча минглаб жамоатчи санитария инспектори тайёрланган, минглаб активга беморларга қараш ўргатилган, ярим миллиондан ортиқ мактаб ўқувчиси БГСО программаси бўйича нормалар топширган.

Жамият ташкилотлари аҳоли ўртасида медицина ва гигиена билимларини пропаганда қилишнинг жонли воситаларидан моҳирлик билан фойдаланиб келаётганликлари бир қанча нутқларда айтиб ўтилди. Шаҳар ва қишлоқлардаги саломатлик университетлари элга манзур бўладиган ишлар қилмоқда, бундай университетларнинг сони етмиштага етди. Қирқта саломатлик ва санитария маданияти мактаби ташкил этилди. Андижон областида ёш оналарнинг мактабларини ташкил этиш ҳаракати кенг авж олди. Сурхондарё областининг колхозларидаги турмуш гигиенаси университетлари яхши тажриба ортирди.

Жамият ўзининг нашриётчилик фаолиятини анча кенгайтириб юборди. Сўнгги тўрт йил ичида медицина ва санитария-гигиена темаларида юздан ортиқ брошюра, эсдалик, варақа ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида жами бир ярим миллион нусхада босиб чиқарилди. Махсус агитмашина ва кўчма кинолар санитария пропагандасини олиб бормоқда.

Жамият Чимбой район комитетининг раиси, врач А. Обидовнинг нутқини съезд қатнашчилари мароқ билан тингладилар. Районда яшовчи ҳар уч кишидан бири ана шу илғор ташкилотнинг аъзолигига қабул қилинган. Қариндошуруғи ва яқин кишилари бўлмаган ёлғиз беморларнинг уйига бориб, улардан аҳвол олиб туришда активлар холис хизмат қилмоқда. Булар асосан медицина ҳамширалари тайёрловчи курсларни битириб чиққан жамоатчи хотин-қизлардир. Бригадалардаги ҳамма дала шийпонларида санитария постлари ташкил қилинган.

Съезд делегатлари ишнинг янги формалари тўғрисида гапиришди. Қизил Ярим Ой жамияти Фарғона область комитети раисининг ўринбосари медицина ҳамшираси А. А. Подгорнова шаҳарлардаги маҳаллалар ва уй бошқармаларида саломатлик хоналари ташкил қилинганини айтди. Бундай хоналарда тўғараклар нинг машғулотлари ўтказилмоқда, врачлар маслаҳат бериб турибдилар.

Шу билан бирга, жамият фаолиятидаги камчиликлар съездда танқид қилинди. Район, участка ва бошланғич ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам профилактика ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказишда соғлиқни сақлаш органлари ва медицина муассасаларига ёрдам бермаётганлиги қайд қилиниб, санитария-гигиена билимларини пропаганда қилишни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Қардош Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Эстония республикаларидаги Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг вакиллари съезд қатнашчиларига қарата қизғин табрик сўзлари билан мурожаат қилдилар.

СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи ижроия комитетининг раиси, профессор Г. А. Митерев, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари В. М. Бойко съездда нутқ сўзладилар.

Съезд Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамиятининг Уставига ўзгартишлар киритди.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Марказий Комитети билан ревизия комиссиясининг янги состави сайланди.

* * *

Жамият Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда М. Т. Марипов Марказий Комитет раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР

«Ташсельмаш» заводининг конструкторлик бўлими қошидаги жамоатчилик йўли билан ишлаб турган конструкторлик бюроси пахта терадиган машина ишчи аппаратининг принципиал схемасини ишлаб чиқди. Бу схемага мувофиқ пахта териш машинаси аппаратида биттадан съемник қолдирилиб, подборщиклар олиб ташланади. Айланиб турадиган камералар айланадиган патрубкалар билан алмаштирилади. Экономистларнинг ҳисобига кўра бундай модернизация машина ишчи аппаратининг оғирлигини 350 килограммга енгиллаштиради.

Б. МАҲМУДОВ.

●

Украинадаги «Укргипроводхоз» институтида суғориладиган ерларда канал қазийдиган янги машина яратилди. Машина канални бир йўла очиб кетади. Унинг кетидан канални тартибга келтиришга ҳожат қолмайди. Ҳозир бундай иўл кучи ёрдамида бажариладиган тупроқ ишлари канал қазишдаги ҳамма ишнянг деярли 30 процентини ташкил этади. Дастлабки синовларга қараганда, бу машинанинг иш унуми оддий ер қазиш машинаси иш унумидан олти баравар юқоридир.

А. МАЯЗЕЛЬС.



Тошкент ГРЭСи тўла-тўкис ишга туширилгач, у йилига 7 миллиард киловатт-соат электроэнергия ишлаб чиқара бошлайди. Шу жиҳатдан у очиқ типдаги электростанциялар орасида Иттифоқда энг қудратлисидир. Ҳозир бу ерда 150 минг киловатт қувватли иккинчи блок монтаж қилинмоқда. Қурувчилар уни муддатидан икки ой илгари фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар. Суратда сиз Тошкент ГРЭСининг тунги манзарасини кўриб турибсиз.

В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

4-АГРЕГАТ ИШГА ТУШДИ

ТАХИАТОШ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Амударё қуйи оқимидаги Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области, Туркманистон ССР Тошовуз зонасидаги шаҳар ва районлар, колхоз ва совхозлар Ильич нурлари билан чароғон бўлмоқда. Тахиатош ГРЭСи ана шу областларнинг энергия булоғи бўлиб хизмат қилмоқда. Яқинда ГРЭСнинг 4-агрегати ишга туширилди. Эндиликда станцияда ўрнатилган 4 агрегатнинг қуввати 48 минг киловаттга етди. Агрегатлар газ билан ишлай бошлади. Нур манбаи қурилишида И. Байзариков раҳбарлик қилаётган бетончилар, Ф. Волков бошчилигидаги монтажчилар ва М. Кримов раҳбарлигидаги дурадгорлик бригадалари яхши ишладилар. Тахиатош ГРЭСи 4-агрегатининг ишга туширилиши Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейига муносиб совғадир.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

«ИРМАШ»НИНГ ИСТИҚБОЛИ

Шу кеча-кундузда Андижон ирригация машинасозлиги заводининг азамат коллективи бульдозер, скрейперлар, ер тақислагич, насос сингари турли-туман машиналар ишлаб чиқармоқда. Бу машиналар қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, деҳқончиликни тағин ҳам юксалтириш учун олиб борилаётган курашда дала меҳнаткашларига катта ёрдам кўрсатмоқда.

Завод аҳли бу йил камида 6 миллион 700 минг сўмлик машина ва ускуналар ишлаб чиқариш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Корхонанинг келажаги яна ҳам порлоқ. Заводда илғор технология ва прогрессив иш усуллари кенг тадбиқ қилиняпти. Корхонани кенгайтириш режалари тузилаётир. Бунинг учун биргина рақамни келтириш кифоя. Ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш ва илғор иш усулларини жорий этиш йўли билан яқин келажакда завод йилига 26 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлайдиган бўлади. «Андижанирмаш» мамлакатимиздаги йирик ирригация машинасозлиги корхоналаридан бири бўлиб қолади.

— Гап шундаки,— дейди завод директори Григорий Шишко, — коллективимиз ишлаб чиқарган машиналар қишлоқ хўжалигини интенсивлашдан иборат муҳим масалани муваффақиятли амалга оширишда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам биз корхонани кенгайтириш тадбирларини кўрмоқдамиз. Янгидан тикланадиган бош корпус 35 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Конвейердан ирригация машиналарининг дастлабки комплектлари тушиб турибди. Улардан бири «Д-582» деб номланади. Бу машина канал қазишда кенг қўлланилади.

Заводда шлангли суғориш машиналарининг дастлабки партиялари ишлаб чиқарилди. Шу йилнинг охиригача «ФШН-165» маркали бундай машиналардан 100 таси тайёрланади. Суғориш машиналарининг биттаси ўнлаб кишининг ишини бажара олади ва суғоришни жуда аниқ ташкил қилишга ёрдам беради. Механик «сувчилар» тез орада далаларга чиқарилади.

Корхона бу йил «КШБ-2,4» маркали канал тозалайдиган машина ҳам ишлаб чиқаришга киришади.

Андижон ирригация машинасозлиги заводи келажакда Ўрта Осиёдаги энг йирик корхона бўлиб қолади. У деҳқончиликни ривожлантириш учун хизмат қиладиган турли-туман такомиллашган машиналар ишлаб чиқаради.

М. ШЕРМАН.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ • 2

19 ИЮНЬ 1964 ЙИЛ
№ 141 (12.795).

Муҳим дарслик

ТАҚРИЗ

Коммунистик партиямиз жаҳон революциялари тарихини, ҳозирги замон жамияти тараққиёти проблемаларини илмий асосда ёритишга ҳамиша эътибор билан қарамоқда. КПССнинг XX, XXI, XXII съездлари қарорларида иж тимоий фанлар, шу жумладан тарих фани бўйича кенг тадқиқот ишлари олиб бориш, Ватанимиз ва чет мамлакатлар тарихи, инсоният оламига нур сочган Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, жаҳон миллий озодлик революциялари тарихига оид монографик асарлар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратишнинг жуда катта аҳамияти борлиги қайд этилган.

Шу жиҳатдан қараганда доцент З. Нуриддиновнинг «Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи»[1] номли дарслиги диққатга сазовордир.

Гарчи илгари энг янги тарих бўйича бир неча китоб нашр этилган бўлса-да, уларнинг аксариятида ўқув программасига қатъий амал қилинмаган, ёхуд айрим масалаларни тушириб қолдириш каби жиддий камчиликлар мавжуд эди. З. Нуриддиновнинг китоби эса олий ўқув юртлари программасига тўла мос келадиган дарслик яратиш йўлида олиб борилган катта илмий ишнинг дебочасидир. Китоб РСФСР Маориф министрлиги Олий ва ўрта педагогика ўқув юртлари бош бошқармаси томонидан энг янги тарих бўйича нашр этилган программанинг иккинчи жаҳон урушигача бўлган даври темаларини ўз ичига олган.

Автор асарни яратишда тарих фани бўйича мавжуд ўқув қўлланмаларининг яхши томонларидан ижодий фойдаланган. Шунингдек, тарих асарлари юзасидан матбуотда эълон қилинган тақризлардаги танқидий мулоҳазаларни ҳисобга олган. Дарсликда ўқув қўлланмаларида зикр этилмаган бир қатор муҳим тарихий ва назарий масалалар бор. Энг муҳими, дарслик КПСС XXII съезди материаллари руҳи билан суғорилган.

Китобда Октябрь революциясининг жаҳон тараққиётига кўрсатган оламшумул-тарихий таъсири кенг баён қилинган, капитализмнинг тобора кескинлашаётган умумий кризиси ва унинг босқичлари таҳлил этилган, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, миллий-озодлик ҳаракати замонамизнинг энг эътиборли ва таъсирли сиёсий кучига айланганини кўрсатилган. Автор тарихнинг чинакам яратувчиси, коммунизм ижодкори — халқ оммасининг ролини, КПСС XX ва XXII съездларидан кейинги даврда меҳнат аҳлининг активлиги янада ошганлигини дуруст кўрсатиб берган.

Китобнинг ҳар бир бобида маълум мамлакат тарихи ёритилар экан, бу мамлакатга Улуғ Октябрнинг кўрсатган илҳомбахш таъсири алоҳида таҳлил этилади. Маълумки, 1918—1923 йилларда капиталистик мамлакатларда революцион ҳаракат юксалиб, компартиялар ташкил топди, Совет Россиясини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун бошланган пролетариат ҳаракати кенг қулоч ёйди. Бир қатор мамлакатларда Совет республикалари тузилди. Шиддатли революцион курашлар юз берди. Жаҳон капитализмининг иқтисодий кризиси чуқурлашди. Булар китобда жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари ва бу қонуниятларнинг айрим мамлакатларда конкрет инъикоси, миллий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари асосида баён этилган. Капиталистик дунёдаги ишчилар синфи ва кенг меҳнаткашлар оммасининг турмуши тобора ёмонлашиб бораётгани факт ва рақамларда кўрсатилган.

Дарсликда турли мамлакатларда ишчилар ҳаракатининг ўсиши, қоявий ва синфий курашларда чиниқаётган компартияларнинг фаолияти, социал-демократия ва лейбористлар партияси ўнг лидерларининг шармандa бўлиши, фашизм ва уруш хавфига қарши бирлашган халқ фронтларининг ташкил топиши ва уларнинг ғалабаси, халқаро реакцияга қарши кураш сингари жуда муҳим тарихий масалалар баён қилинади.

Дарсликнинг сўнгги боблари биринчи жаҳон уруши билан иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги даврда халқаро ишчилар ҳаракати, Коммунистик Интернационал ва 1918—1939 йилларда халқаро муносабатлар масалаларига бағишланган. Бу ўринда автор В. И. Ленин бошчилигида большевикларнинг халқаро кўламда оппортунизмга қарши олиб борган кураши, коммунистик партиялар ва Коммунистик Интернационалнинг барпо бўлиши ҳамда бу ишда улуғ Ленининг, большевиклар партиясининг раҳбарлик ролини алоҳида таъкидлайди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг кураш тажрибаси ва иш намунаси беҳад ибратлидир. КПСС барча компартияларни марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми негизида жипслаштирди, троцкийчи, бухаринчи ва бошқа душман, контрреволюцион группаларга қақшатқич зарба берди. Ленин партияси коммунистик ҳаракат стратегияси ва тактикасини ҳартарафлама ишлаб чиқди, халқаро ишчилар ва умумдемократик ҳаракатларни ҳамиша қўллаб-қувватлади. Шу боисдан ҳам уни жаҳон компартияларининг авангарди деб атамоқдалар.

Дарсликнинг «Халқаро муносабатлар» деган охирги боби ҳам мазмунли ёзилган. Октябрь революцияси халқаро муносабатларда янги даврни бошлаб берди. Совет давлати ташқи сиёсатининг ленинча принциплари жаҳон халқларига манзур бўлиб, мамлакатимиз халқаро обрўсини оширмоқда.

Маълумки, Совет Иттифоқи ўз фаолиятининг дастлабки кунидан қуролсизланиш, тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик учун изчил курашяпти. 1939 йилдаёқ Совет ҳукумати фашист давлатларининг агрессияси хавфига қарши коллектив хавфсизлик системасини тузиш масаласини ўртага ташлади ва қатор мамлакатлар билан музокаралар олиб борди. Бу воқеалар ҳам китобда ўз ифодасини топган.

Дарсликда В. И. Ленининг ва КПССнинг халқаро коммунистик ҳаракатни ривожлантиришдаги роли, СССРда социализм қурилишининг халқаро аҳамияти, капитализм умумий кризисининг чуқурлашуви масалаларини ёритишга алоҳида эътибор берилган.

Хуллас, бу китоб Европадаги мамлакатлар ва АҚШнинг 1917—1939 йиллар тарихи юзасидан олий мактаб ўқув программасига қатъий амал қилиб, марксча-ленинча методология асосида ёзилган, ҳозирги талабларга жавоб бера оладиган ўзбек тилидаги биринчи оригинал асардир. Асар ўқувчини энг янги тарих билан кенг таништиради ҳамда кишиларни, аввало ёшларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашдек муҳим ва масъулиятли вазифага хизмат қилади.

Кенг жамоатчилик республикамиз олимлари бошланган бу ишни давом эттириб, энг янги тарихнинг 1939 йилдан кейинги даврлари бўйича ҳам дарсликлар яратадилар, деб умид қилади.

Я. ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси.

Ш. АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари доктори.

Х. ЗИЕВ,
тарих фанлари кандидати.

[1] Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917—1939 йиллар) ЎзССР «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриёти, Тошкент, 1963 йил, 595 бет.

115 МИЛЛИОН ПУД ДОН УЧУН!

ТАКРОР ЭКИНГ

Бу йил республикамиз колхоз ва совхозларида 125 минг гектардан кўпроқ суғориладиган майдонда бошоқли дон етиштирилмоқда. Бу экин ўриб-йиғиб олингандан кейин ўрнига маккажўхори ёки оқжўхори экилади. Шундай қилиб, 100 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдондан бу йил икки марта ҳосил олинади. 570 та комсомолчилар бригадалари ҳар гектар ердан 100 центнердан дон олиш учун ўзаро беллашмоқда.

Қузатишлар шуни кўрсатдики, кўпгина юзцентнерчилар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил курашиб, ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Андижон бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Абдусаттор Мадалиев бошлиқ бригадаси ўтган йили кузда 40 гектар ерга буғдой экиб, уруғни ноябрь ойида текис ундириб олди. Эрта кўкламда ғалла майсалари озиқлантирилди — гектарига 100 килограммдан селитра солинди. Бригада баҳорги ёмғир сувидан яхши фойдаланди. Натижада вегетация даврида экинни суғоришга ҳожат қолмади. Ҳамма майдонларда буғдойдан мўл ҳосил етиштирилди. Ўртоқ Мадалиев ҳар гектар ердан камида 40 центнер дон олажагини айтади. Бригадада ғалла ўрим-йиғими қизғин бошланиб кетди.

Шу бошқармадаги «Коммуна» колхозининг Мамат Сиддиқов бошлиқ бригадасида ҳам эрта кузда экилган 50 гектар ерда ғалладан юқори ҳосил етиштирилди. Айниқса буғдойнинг «Безостая-1» навининг ҳосили мўл бўлди. Бригада гектаридан 42-45 центнер дон олишни мўлжаллаб турибди. Охунбобоев номли колхознинг эрта кузда экилган ерларида ҳосил кўзни қувонтиради.

Аммо дон декабрда ерга ташланган 4-бригадада ҳосил кўнгилдагидек бўлмади. Ғалла майсалари сийрак бўлиб қолди. Бундай аҳвол Пастдарғом бошқармасидаги Карл Маркс номли, Каттақўрғон бошқармасидаги Ильич номли, «Чимбойобод» колхозларида ва бошқа хўжаликларда ҳам юз берди.

Бу фактлар шундан далолат берадики, донни тупроққа кўмиб қўйишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Кузги донни барвақт экиш, шу билан бирга майсаларни яхши ишлаш, далаларда бегона ўт бўлишига йўл қўймаслик, ҳашаротни, айниқса донхўрни қириб ташлаш, экинни қондириб суғориш орқалигина ғалладан мўл ҳосил етиштириш мумкин. Буни айтишдан мақсад ғалла ўриб-йиғиб олингандан кейин ўрнига маккажўхори ёки оқжўхори экишда, экинларнинг қатор ораларини ишлашда ана шу жиддий камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймасликдир. Маккажўхори ва оқжўхорини яхши ишланган ерларга вақтида ва соз экиш, шу мақсадда экиннларни ўриб-йиғиб олишни кун сайин жадаллаштириш зарур.

Бу соҳадаги илғор тажрибалардан ҳам фойдаланиш керак: Жанубий Қозоғистон ўлкаси Чимкент областининг Сайром бошқармасида ғалла ўрим-йиғимига киришишдан олдин такрор экиш планлаштирилган ғалла майдонлари қондириб суғорилади. Бу билан дон иссиқда қовжираб тўкилиб кетишдан сақлаб қолинади. Энг муҳими, тупроқда нам кўп тўпланади. Ернинг бети етилиши билан ғалланн ўришга киришилади.

Ғалладан бўшаган ерлар дарҳол ҳайдалиб, маккажўхорининг ўртапишар ва гибрид навлари такрор экин сифатида экилади. Усиб турган ғалланн кўп сув қуйиб суғориш йўли билан тупроқда намнинг етарли бўлишига эришилганлиги сабабли маккажўхори уруғи тез ва текис униб чиқади. Экинни вегетация даврида дастлабки суғоришгача нам яхши сақланади. Бу тажриба республикамизнинг ҳар бир колхози ва совхозида қўлланилса бўлади. Сайромликлар қўлланиб келаётган усул такрор экилган маккажўхорини барвақт етиштириш имкониятини вужудга келтиради.

Кўп йиллик тадқиқотлар, илғорларнинг тажрибаси маккажўхори ва оқжўхорини ғалла ўриб олинган ерларга такрор экишнинг энг қулай муддати июнь ойи ўрталари эканлигини кўрсатмоқда. Бу йилги шароитда маккажўхорини экишга 20 июндан бошлаб киришиш мумкин. Бу муддатда маккажўхорининг «ВИР-42» нави экилса, гектаридан 50-60 центнердан дон олиш имконияти туғилади. Маккажўхорининг «ВИР-156» ва ҳатто «ВИР-338» навларини ҳам 20 июнда экиш жанубий районлар учун қулай муддат ҳисобланади.

Маккажўхорини такрор экин сифатида июнь ойининг иккинчи ярмидан кечиктирмай экиб бўлиш ундан мўл ҳосил етиштиришга қаратилган муҳим тадбирдир. Калинин бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози 1957 йилда 25 гектар майдонга маккажўхорининг «ВИР-42» навли гибрид уруғини 15-20 июнда экди. Колхоз ҳар гектар ердан 56 центнер маккажўхори дони олди. Бўка бошқармасидаги «Бўка» совхози ана шу нав маккажўхори уруғини июннинг иккинчи ўн кунлигида экиб, 30 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнер гибрид уруғлиги ва 7 центнер қўшимча дон олишга эришди. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области шароитида маккажўхори уруғига тариқ ёки мош аралаштириб экилса, яхши ҳосил олиш имконияти туғилади.

Маккажўхори уруғини 70х70 сантиметр схемаси асосида фақат квадрат-уялаб экиш тавсия этилади. «ВИР-42» навли гибрид уруғи экилган майдонларда ҳар уяда иккитадан ўсимлик қолдирилади. Шундай қилинса, ҳар гектар ерда 55-60 минг туп, «ВИР-156» нави экилган майдоннинг гектарида 40-56 минг тўп ва ундан ҳам кўпроқ ўсимлик бўлади.

Маккажўхори калта кунни севадиган экиндир. Шунинг учун бу экин ёзнинг иккинчи ярмида, яъни кечаси узун, кундузи калта бўлган вақтда, вегетация даври унинг уруғи баҳорда экилгандагига нисбатан 8-10 кун илгари тугалланади. Масалан, «ВИР-42» нави 20 июнда экилса, 15-20 сентябрь, «ВИР-156» нави эса ундан 10-12 кун кейин тўла равишда пишиб етилади. Экишда буни ҳисобга олиш, вақтни ўтказмай уруғни тупроққа ташлашга интилиш керак.

Шуни унутмаслик лозимки, ҳар гектар ердан 60-70 центнердан дон олинган майдонда маккажўхори 180 килограммга яқин азот, 70 килограммгача фосфор ва шу миқдорда калий қолдиради. Шунга кўра экинни қўшимча озиқлантириш талаб этилади. Илғорларнинг тажрибаси асосида ҳар гектар ерга ҳайдаш олдидан 30-35 килограммдан фосфор ва азот солинса, кифоя қилади. Қолган азот ва калий экинга озиқлантириш сифатида берилади. Экин вегетация даврида икки марта, биринчиси дастлабки культивация вақтида, яъни экин 3-4 барг чиқаргандан кейин, иккинчиси эса ундан кейин 10 кун ўтгач, сўнг озиқлантирилади.

Усимликнинг вегетация даврида тупроқни доим юмшоқ ҳолда сақлаш маккажўхоридан мўл ҳосил олишда ва уни эрта етилтиришда жуда катта аҳамиятга эгадир. Бунга эришиш учун уруғ униб чиқиши биланоқ қатор ораларини пешма-пеш юмшатиш, бегона ўтнинг ўсишига, тупроқнинг қотиб қолишига йўл қўймаслик керак.

Маккажўхорикор бригадалар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга бўлган бу экинни белгиланган муддатларда тез ва юқори сифатли экиб олиш учун шошилинч чоралар кўришлари керак.

Г. СОЛЯНКО,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном.

ЯХШИ ТАШАББУС

ХЎЖАЙЛИ. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Бошқармадаги мактабларнинг ўқитувчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ёзги каникул даврида «оқ олтин» далаларида ишлаб, совхоз ишчиларига, колхозчиларга яқиндан ёрдам бериш истагини билдиришдилар. Шу муносабат билан бошланғич мактаб ўқитувчиларидан 200, ўрта мактаб ўқитувчиларидан 500 нишнинг ҳар бири 2 гектар майдондаги ғўзаларни культивация қилиш, суғориш, озиқлантиришни ўз зиммаларига олдилар. Бошқарма ўқитувчиларининг ташаббуси бошқа мактабларда ҳам кенг қўллаб-қувватланди.

Туркманистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Фарғона области хўжаликларида илғорлар тажрибасини ўрганиш билан бирга ғўза парваришидаги камчиликларни кўрсатиб, уларни бартараф қилиш юзасидан қимматли маслаҳатлар бермоқдалар. Суратда: ўзаро текшириш бригадасининг аъзоси, Иолатан район ижроия комитетининг раиси У. Отамуродова (чапда) Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозида шу хўжалик правлениесининг раиси Кўзибой Пирматов ва бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўтихон Қулбекова билан суҳбатлашмоқда.

Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАШЪАЛЛАР ИШИДА ҒЎҚСОН БЎЛМАСИН

ТУРКМАН ПАХТАКОРЛАРИ ХОРАЗМДА

УРГАНЧ, (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали**). Қардош Туркманистон ССРдан келган ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари машъал область колхозларида 1964 йил учун зиммага олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини текширишни давом эттирмоқдалар.

Бригада Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармасининг колхозларида бўлди. Бошқарма пахтакорлари бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун опа-Ватанга 61 минг тонна пахта сотишга аҳд қилганлар. Улар ҳозир ғўза парваришини кучайтирмоқдалар. Меҳмонларнинг бир группаси Карл Маркс номли колхознинг Матназар Матёқубов бошлиқ бригадаси ғўзаларини кўздан кечирди. 60 центнер учун курашаётган бу бригадада меҳр-муҳаббат билан парвариш қилинаётган ғўзалар ёпасига шоналаган. Шунингдек, Ленин номли колхознинг О. Қутлимуродова, Фрунзе номли колхознинг М. Матназаров ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ҳам янгиариқлик машҳур пахтакор Искандар Юсупов билан беллашиб, гектаридан 60 центнердан пахта етиштириш учун курашмоқдалар. Булар ғўзаларини учинчи комплекс парвариш қилмоқдалар.

Мусобақадошлар илғорлар ишидан мамнун бўлиш билан бирга, камчиликларни кўриб эътироз билдирмоқдалар. «Партия XXI съезди» колхозининг анчагина бригаларида ғўзани парвариш қилиш қониқарсиз бораётир. Х. Бобоев бошлиқ бригадада ишлаётган тракторчи Қодир Ерматов масъулият сезмайди. У ғўза қатор ораларини ниҳоятда сифатсиз культивация қиляпти, бригадир эса ишнинг сифатини текшириб кўрмаган. Айрим карталардаги ғўзаларни ёввойи ўт қисиб қўйган. Далада хашаротлар кўпая бошлаган.

Мусобақадошлар бошқармадаги «Коммунизм», «Ўзбекистон» ва бошқа колхозларда ҳам ғўза парваришида жиддий камчиликлар борлигини аниқладилар. Улар бу камчиликларни тезда бартараф этиш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар. Меҳмонлар бошқарма колхозлари раҳбарларининг эътиборини чорвачиликни ривожлантириш, маккажўхори ва бедага эътиборни кучайтириш зарурлигига қаратдилар.

С. ИБРОҲИМОВ.

БУТУН СИНФ БИЛАН ЯНГИ СОВХОЗГА

Хева районидаги Калинин номли ўрта мактабнинг ўн биринчи синф ўқувчилари Амударё этакларида янги ташкил этилган «Ҳанқо» совхозига экскурсияга борган эдилар. Ўн биринчи синфни битирувчилар бу хўжаликнинг ходимлари қўриқ ерларда шу йилнинг ўзида тўрт юз минг пуд шоли етиштиришлари керакдигини билиб, имтиҳонлар тамом бўлгандан сўнг бутун синфни доимий ишлаш учун шу совхозга ишга юборишни илтимос қилиб, мактаб комсомол комитетига мурожаат қилдилар.

— Мактаб, пионерлар ташкилоти, комсомол, —деб ёзади улар, — бизга билим бердилар, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялядилар. Биз ҳаммамиз — ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг аъзоларимиз, ҳар йили мўл пахта, шоли ҳосили етказамиз, ҳайвонларни парваришлай оламиз. Ўқувни политехнизация қилиш натижасида биз ҳар турли ихтисос эгалладик. Отабой Бобожонов—шофер, Матёқуб Авазов — яхши дурадгор, қолганлар эса трактор, комбайнни бошқарадилар. Янги совхозга бизнинг ёш, чевар қўлларимиз жуда зарур. У ерда, ғалла учун курашнинг олдинги маррасида биз катта фойда келтирамиз.

Хоразм область партия комитети маъқуллаган ёш ватанпарварларнингташаббусини ордендор область мактабларини битирувчи комсомоллар орасида қизғин қувватлакмоқда. Янги совхозга ёш ватанпарварларнинг биринчи отрядлари ҳозирданоқ кела бошлади. Улар тракторларни бошқармодалар, янги посёлка қурмоқдалар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон пахтакорлари Қирғизистон далаларида

Ўзбекистон пахтакорларининг вакиллари Жанубий Қирғизистон далаларига келишди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётгани шу текширишларда кенг ўрганилмоқда. Республика «Советская Киргизия» газетасининг таъкидлашича, ўзаро текшириш тажрибаларни кенг ўртоқлашишга ҳамда мўл ҳосил учун курашдаги илғор усулларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилишга, ғўза парваришининг суръати ва сифатини оширишга, ғалла ўрим-йиғимини ва емхашак жамғаришни уюшқоқлик билан ўтказишга ёрдам бериши керак.

БЕДА ЎРИШ ТУГАЛЛАНДИ

БУХОРО. Ғиждувон бошқармасидаги Карл Маркс номли колхозда 280 гектар ердаги беда бир марта ўриб олинди.

Ўз вақтида йиғиштириб олинган беда соя-салқин жойларда қуритилиб, чорвачилик фермалари ёнида ғарам қилиб қўйилди. Биринчи ўримдан кейин бедаларга сув қуйилди.

Р. ГАДОИМУРОДОВ.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Хўжайли бошқармасидаги Ленин номли колхознинг Ражаб Матниёзов бошлиқ бригадаси даласида ғўзани озиқлантириш яхши уюштирилган.

Механизатор Жанабоев ва Қонибоев ўртоқлар «СУЗ» билан гектарига 150 килограммдан азотли, 200 килограммдан фосфорли ва 300 килограммдан маҳаллий ўғит аралашмаси соляптилар.

Е. ИБРОҲИМОВ.

* * *

Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган азаматлар қаторида Андижон бошқармасидаги «Октябрь» колхозининг Нуъмонжон Кенжаев бошлиқ бригадаси ҳам бор.

Бригада механизаторлари ва сувчилари ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиш учун парваришни кучайтирмоқдалар. 65 гектар майдондаги ғўза икки марта озиқлантирилиб, биринчи сувдан чиқарилди.

А. АБДУЛАҲАДОВ.

* * *

Вобкент бошқармасидаги Ильич номли колхоз комсомолёшлари ҳар гектар ердан юз центнер дон олиш ҳаракатига қўшилиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

Тилла Ҳамроев бошлиқ ғаллачилик бригадаси аъзолари 70 гектар кузги буғдойдан камида 40 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлаган. Ҳозир ғалла ўрим-йиғими қизғин тус олди.

Ғалладан бўшаган ерларга маккажўхори экиш учун тайёргарлик кўриляпти. Улар иккинчи ҳосил—маккажўхоридан камида 60 центнердан дон етиштирадилар.

Р. АЗИМОВ.

СУСТКАШЛИК

Шаҳрисабз бошқармаси пахтакорлари етти йилликнинг олтинчи йилида камида 73 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Илғор хўжаликларнинг миришкор деҳқонлари об-ҳаво қийинчиликларини зўр уюшқоқлик билан енгиб, катта-катта майдонларда чигитни ўз вақтида экиб, уни ҳамма жойда текис ундириб олдилар, тўла гектарлар ҳосил қилдилар ва ғўза парваришини кучайтирмоқдалар.

Ленин номли колхознинг азамат пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, мўл ҳосил учун ҳар қачонгидан ҳам унумли меҳнат қиляптилар. Асосий майдонларда ғўза текис ўсяпти. Ёғингарчилик натижасида пайдо бўлган қатқалоқ вақтида юмшатилиб, гектарларнинг тўла ва кўчатларнинг нормал қалинлиқда бўлишига эришилди. Бу пешқадам колхозда 1480 гектар ерда чигит экиш тамом бўлиши биланоқ, ғўза парвариши кучайтириб юборилган эди. Ҳозиргача 1300 гектардан ортиқ ердаги ғўза қатор оралари бир марта комплекс ишланди. Кўндалангига культивация қилиш билан бир вақтда экин озиқлантирилди.

Барча майдонлардаги ғўзаларни биринчи комплекс парваришдан чиқарган Йўлдош Алиқулов, Эл-мурод Эшмуродов, Жовли Рўзиев, Жалил Жўраев ва Жўрақул Сатторов ўртоқлар бошлиқ илғор бригадаларнинг далаларида ниҳоллар тез ривожланиб, текис шоналай бошлади. Колхозда экишдаги сингари ғўза парваришида ҳам механизация ғоят катта роль ўйнамоқда. Чигит экишда намуна кўрсатган универсалчилардан Ҳусан Муҳаммадиев, Амир Амирқулов, Холбой Мавлонов, Ҳайрулла Норов ўртоқларнинг ҳар бири кунига 8-10 гектар ердаги ғўзани культивация қилмоқдалар ва озиқлантирмоқдалар. Шу кунларда колхоз далаларида 21 та чопиқ трактори ишлаб турибди. Улар нинг бир кунлик иш унуми 130-140 гектар ва ундан ҳам ошаётир.

Киров номли, «Қизил Юлдуз» ва «Социализм» колхозларида ҳам ғўза парвариши қундан-кунга қизғин тус олаётир.

Афсуски, бошқармадаги айрим колхозларда ғўза парвариши жуда суст олиб борилмоқда.

Кўпчилик колхозлар ва бригаларда экишдан кейин бўшашувчиликка йўл қўйилди. Экиш тугаши биланоқ, ҳамма куч ва техника воситалари ғўза қатор ораларини ишлаш ва озиқлантиришга тўла сафарбар этилмади. Колхозлардаги мавжуд 569 та чопиқ тракторларнинг қарийб 50 процентига ҳалигача культиваторлар тиркалмаган.

Даладаги чопиқ тракторлари ҳам жуда унумсиз ишламоқда. Умумий пахта майдонининг тўртдан бир қисмидаги ғўза энди бир марта озиқлантирилди. Айниқса ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлашда катта узилишга йўл қўйилмоқда.

«Қизил шарқ», Улуғбек номли ва бошқа колхозларда культивацияни кучайтириб юбориш чоралари кўрилмаяпти. Улуғбек номли колхозда фақат биттагина чопиқ трактори ишламоқда. Унинг ҳам иш унуми 4-4,5 гектардан ошмаяпти... «Қизил шарқ» колхозида ҳам 13 та чопиқ тракторидан ярмига культиваторлар тиркалмаган.

«Партия XIX съезди», «Гулистон», Калинин номли, Свердлов номли колхозларда ҳам ғўза парваришида ана шундай сусткашликкка йўл қўйилмоқда.

Бошқарма колхозларидаги кўпчилик дала шийпонлари шу кунинг талабига жавоб бермайди. Дала шийпонлари оммавий-сиёсий ишларнинг марказига, колхозчиларнинг маданий дам олиш жойига айлантирилмаган.

Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармасининг пахтакорлари ғўза парваришида юз берётган камчилик ва нуқсонларни дарҳол тугатиб, агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга оширишлари, ҳамма куч ва имкониятларни ғўза парваришига тўла сафарбар этишлари керак.

Р. МУРОДОВ.

СУЗ — МОҲИР СУВЧИЛАРГА

СУВЧИЛИК—САНЪАТ

Ёшим олтмиш иккида. Уттиз йилдан ортиқроқ вақтдан буён колхозимизда сувчилик қиламан. Кўп йиллик тажрибада шунга ишонч ҳосил қилдимки, сувчилик ҳам бир санъат экан. Ғўзанинг оби тобида қониб сув ичиши сувчининг маҳоратига боғлиқ. Озгина фурсат бой берилса, ғўза сувдан қолиши, суғориш вақтида ҳушёр бўлинмаса, сув тупроқни бир текис намламаслиги, чуқур жойдаги ўсимликни эса босиб кетиши мумкин. Бу ҳол кўпинча ғўзани ёшлигида суғориш чоғида содир бўлади.

Об-ҳаво қийинчиликлари юз берган, зах кўп бўлиб, тупроқнинг чигит тушган қатлами совуб қолган бу йилги шароитда ғўзани даётлабки суғоришда айниқса эҳтиёт бўлишга тўғри келди. Тупроққа иссиқлик киритиш мақсадида, ғўзани биринчи марта кўндалангига культивация қилиш вақтида қатор оралигига майдаланган ғўнг солдирдик. Суғоришни эгат оралатиб ўтказдик. Тупроқ етилиши билан культиваторлар картанинг узунасига ва кўндалангига қараб юргизилди. Натижада ғўзамиз тез амал олиб, гуркираб ўса бошлади. Ҳозир қийғос шоналамоқда.

Шу кунларда ғўзани иккинчи марта суғормоқдамиз. Сув ҳар бир эгатдан тараляпти. Бригадамизда 6 сувчи бор. Уч киши ғўзани кундузи, уч киши кечаси суғоради. Мен ғўзага сувни кўпроқ кечаси тарамоқдаман. Ғўзани суғоришдан бўш вақтимда, дам олиб бўлганимдан кейин бошқа сувчиларнинг ишини, тупроқнинг етилишини, механизаторларнинг эгатларни қандай олаётганликларини кузатиб бораман.

Бунинг аҳамияти катта. Эгат тўғри олинмаса сувчининг иши қийинлашади, сув тупроқни бир меъёрда намламайди. Ер тобидан ўтказиб юборилса, культивация қилинганда катта-катта кесаклар кўчади. Етилмаган ерга культиватор солиш ҳам зararлидир. Демак, сувчилар механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаган тақдирдагина тупроқнинг доим юмшоқ, ерда намнинг етарли бўлишига эришиш мумкин.

Бу йил сув кўп деб ғўзани қайта-қайта суғораверишга ярамайди. Уст-устига суғориш ғўзанинг сувхўрда бўлиб қолишига олиб келади. Бундай ғўза говлаб кетиб, ҳосил қилмайди. Бунинг олдини олиш учун биз ғўзага сувни унинг талабига қараб тараймиз. Тупроқнинг устки 50-60 сантиметр қатламидаги намлик 70-72 процент бўлганда ғўзани суғорамиз. Буни ўсимликнинг тусига, тупроқнинг ҳолатига қараб биламиз. Ғўза сув талаб қилса, унинг барги тўқ яшил тусга айлана бошлайди. 18-20 сантиметр чуқурликдан олинган тупроқ осонгина уқаланиб кетади. Бир меъёрда қониб сув ичган ғўза тупроқдаги озуқа моддаларидан, иссиқлик ва ёруғликдан яхши баҳраманд бўлади.

Ғўзага сув тарашда ҳам гап кўп. Биз ғўза гуллагунча уни оз норма билан суғорамиз. Аммо оз сувнинг кўп бўлакларга бўлиб юборилишига йўл қўймаймиз. Акс ҳолда бир карта бошидаги экин сувдан чиқкунча, этагидагиси қуриб қолиши мумкин. Карталарнинг тепасидаги ўқариқдан сувни 12-14 эгатга етиладиган қилиб оқизамиз. Эгат бошида сувни оз-оздан тараймиз, ўрталарида бир оз кўпайтириб, охирида яна камайтирамиз. Шундай қилинса, сув экинни эзиб қўймайди, картанинг этагидан ортиқча чиқиб кетмайди. Тупроқ бир меъёрда намланади ва баравар етилади.

Биз, сувчилар ўз ҳалол меҳнатимиз билан пахтадан мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдамиз. Бригадамиз ўтган йили 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан хирмон кўтарди. Хоразмлик мўл ҳосил устаси Искандар Юсуповнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, бу йил 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз бергамиз. Биз ишлаётган Шароф Жўраев бошлиқ бригада коммунистик меҳнат коллективи деган номни олиш учун курашмоқда. Биз ана шу номга яраша меҳнат қилиб, мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирамиз.

Исмоил ПОЧЧАЕВ,
Сирдарё бошқармасидаги Ленин номли колхознинг сувчиси.

Сиз суратда Тошкент область, Янгийўл бошқармасидаги «Ленинизм» колхозидаги маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи Маъфират Ориповани кўриб турибсиз. У 25 гектар ерга силосбоп маккажўхори экиб, гектаридан 1 560 центнер кўкпоя олиш учун курашмоқда. Маъфиратнинг «малика»си барқ уриб ўсмоқда. Яна бир неча кунлардан кейин у силос бостиришга киришади.

А. Тўраев фотоси.

3 СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
19 ИЮНЬ 1964 ИИЛ
№ 141 (12.795)

СОВЕТ КОМАНДАСИ ФИНАЛДА

ФУТБОЛ

18 июнда ўтар кечаси футбол ишқибозлари уйқуларини тарк этдилар, десак муболаға бўлмайди. Тошкент вақти билан соат 3 дан 25 минут ўтганда Испаниянинг Барселона шаҳридан радио орқали спорт коментатори Николай Озеровнинг овози янграб эшитилди. Бу ерда СССР терма командаси Европа кубоги учун ярим финал мусобақасида Данияниинг терма командаси билан учрашди.

Ўйиннинг 86-минутида Валентин Иванов нинг моҳирлик билан тепган тўпи Дания терма командасининг дарвозасига келиб тушди. Ана шу пайтда Николай Озеров ҳаяжон билан радио эшитувчиларга шундай деди: «Энди СССР командаси Мадрид шаҳрига билет олавериши мумкин. У бу ерда Испаниянинг терма командаси билан Европа кубогини олиш учун беллашади».

Хўш, ўйин қандай ўтди. Италиялик судья К. Лобеллонинг ишораси билан тўп ўйинга киритилди. Ўйин бошланиши билан совет футболчилари ниҳоятда юксак суръат бериб, данялик спортчиларни шошириб қўйдилар. Данялик спортчилар ҳужумдан кўра кўпроқ ҳимояга ёпишиб олдилар. Айрим вақтларда дарвоза ёнида данялиларнинг ҳужумчилари ҳам пайдо бўла бошладилар. Чунки дарвозага шиддат билан ҳужум қилинмоқда эди.

Бизнинг командамиз аввал тўрт ҳимоячи, бир ярим ҳимоячи ҳамда беш ҳужумчи билан ўйнашни бошлаган эди. Совет футболчиларининг кўпи баланд кела бошлагач, ҳужумга ҳамма ўйинчилар аралашди. Фақат Шестерниовгина Яшин олдида қолди.

Бу масъулиятли ўйинда Численко айниқса ўзини кўрсата билди. 19 минутда Численко узатилган тўпни моҳирлик билан қабул қилиб олди ва уни қулай вазиятда турган Воронинга узатди. Воронин анча масофадан тўпни зарб билан тепиб ҳисобни очди. Шундан кейин совет футболчиларининг ғайрати яна жўш уриб кетди. Ўйиннинг 40 минутида марказий ҳужумчи Виктор Понеделник данялик спортчиларнинг дарвозасига иккинчи тўпни киритди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида футболчиларимиз мудофаага кўпроқ эътибор бера бошладилар. Чунки, рақиблар қандай бўлмасин мағлубиятдан қутулиш йўлини қидира бошладилар. Лекин данялик спортчилар буни эплай олмадилар. Ҳимоячиларимиз ҳамда дарвозабон Яшин ўйин охиригача ҳушёр турди. Ўйин тамом бўлишига 4 минут қолганда Валентин Иванов учинчи тўпни киритиб ғалабани мустаҳкамлади. СССР терма командаси қуйидаги составда ўйнади: Яшин, Шустиков, Шестернев, Аничкин, Мудрик, Воронин, Численко, Иванов, Понеделник, Гусаров, Хусаинов.

Шундай қилиб, совет футболчилари учун финалга йўл очилди. 21 июнда Мадрид шаҳрида СССР терма командаси Испания футболчилари билан ҳал этувчи учрашувни ўтказадилар. Испания футболчилари ярим финал мусобақасида Венгрия командасини 2:1 ҳисоби билан ютди.

Термез шаҳрининг қиёфаси ўзгариб, жуда ҳам гўзаллашиб кетган. Бу ерда деярли ҳар кунни турли янги бинолар қад кўтараётир. Яқинда «Шарқ» меҳмонхонаси қурилди. Сурат да: янги меҳмонхона биносини кўриб турибсиз.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КЕЧА РЕСПУБЛИКАМИЗДА

САФАР ОЛДИДАН

Муқимий номли музикали драма ва комедия театри, — деб хабар қилади ишчи мухбир И. ИНОЯТОВ, — Фарғона водийсига гастролга кетиш олдидан катта программада концерт берди. Концертда театрнинг етакчи артистлари билан бирга ёшлар ҳам иштирок этишди.

Театр коллективи Наманган шаҳрига жўнаб кетди. Томошабинлар гастролнинг биринчи кунида «Тошболта ошиқ» комедиясини томоша қиладилар.

ЯНГИ ЦЕХ

«Электроаппарат» заводининг ташкил бўлганига энди икки йил тўлди, — деб хабар қилади Андижондан ишчи А. ҚОРАХУЖАЕВ, — аммо завод маҳсулотлари ҳаммага маъзур бўлаётир, 35 рационализаторнинг тавсияси билан 120 минг сўм тежаб қолинди.

Завод коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнат қилиб, пластмасса цехини тўла ишга туширди.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ильич номли колхозидан **А. Ералиев** қуйидагиларни хабар қилади: Чимкент драма театрининг концерт бригадаси колхозчиларга катта программада концерт кўрсатишди. Колхозчилар қозоқ, киргиз, ўзбек, рус ҳамда кавказ халқларининг куй ва ашулаларини тингладилар.

СПАРТАКИАДА ТАНТАНАЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон ўқувчиларининг 15 июнда очилган спартакиадасида кураш қизғин тус олиб бораяпти. Бу ҳақда хабар берган Н. ИРИСОВ ўқувчилар спартакиадаси марказий «Пахтакор» стадионида тантанали вазиятда очилганлигини билдиради.

ҚИСҚА САТРЛАР

Фарғона. Ўзбекистон районидаги «Пахтақайнар» колхозида янги аптека ишга тушурилди.

К. Баҳриддинов.

Андижон. Балиқчи бошқармасидаги «Ленинград» колхозида кечка отахонлар бригадаси ташкил қилинди. Отахонлар 30 гектар майдондаги гўзаларни парвариш қиладилар.

К. Изатуллаев.

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК САФАРИ

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ СКАНДИНАВИЯ МАМЛАКАТЛАРИГА САФАРИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР

ПРАГА. Ўртоқ Хрушчевнинг Данияга, Швецияга ва Норвегияга сафари жуда катта сиёсий аҳамиятга эга воқеадир, деб ёзади «Руде право» газетаси. «Земедельске новини» газетаси Н. С. Хрушчевнинг Скандинавия мамлакатларига қилган сафарини «Тинчлик ва дўстлик сафари» деб атамоқда. Скандинавия мамлакатлари вакилларининг яқинда Совет Иттифоқига қилган сафарлари каби Н. С. Хрушчевнинг Скандинавия мамлакатларига қилаётган сафари ҳам, деб ёзади газета, ер юзининг шу районида осойишталик ва тинчликни сақлашга, Совет Иттифоқи билан Скандинавия мамлакатлари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳамда дўстлик муносабатларини янада яхшилашга ёрдам беради.

СТОКГОЛЬМ. Совет ҳукумати бошлиғининг Скандинавия мамлакатларига қилаётган сафари ҳозирги вақтда Швеция пойтахти учун асосий воқеа бўлиб қолди. Н. С. Хрушчевнинг Дания пойтахтига келиши тўғрисида Копенгагендан телевидение орқали берилган эшиттиришни Швеция аҳолиси қизиқиб томоша қилди ва тингладн.

Стокгольмдаги газеталар «Копенгаген Хрушчевни табрикламоқда» деб ёзаётирлар. Швеция пойтахтидаги газеталарнинг ҳаммаси олий мартабали совет меҳмони Данияга келганлиги тўғрисидаги хабарларни, Н. С. Хрушчевнинг портретларини биринчи саҳифаларда босиб чиқардилар.

Матбуот ўзининг редакцион мақолаларида ва ўз мухбирларининг хабарларида шимолий мамлакатларнинг халқлари билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни яхшиламоқ ва шимолий Европада тинчликни мустаҳкамламоқ учун бу сафарнинг катта аҳамияти борлигини кўрсатмоқда.

Швеция телевиденнеси Н. С. Хрушчев тўғрисида катта ҳужжатли фильм тайёрлади. Бу фильмни швед операторларининг бир группаси Совет Иттифоқига бориб суратга олиб келди.

ОСЛО. СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Копенгагенга келганлиги тўғрисида Копенгагендан берилган эшиттиришни Норвегиядаги минглаб телетомошабинлар жуда қизиқиб томоша қилдилар. Газеталарнинг редакцияларида ва кўпгина муассасаларида телевизорлар олдида жуда кўп халқ тўпланди. «Арбейдербладет» газетасининг ҳодими Торстен Санве бундай деб ёзади: «Биз Совет ҳукумати бошлиғини данияликлар қизғин кутиб олганликларини кўрдик. Норвегияда ҳам у мана шундай ҳурсандлик билан кутиб олинишига сира шак-шубҳа қилмаймиз».

Норвегия радиоси совет меҳмонларининг Копенгагенда кутиб олинишн тўғрисидаги репортажни эшиттирди. Бош министр Крагнинг нутқини баён қилиб берди ва Н. С. Хрушчевнинг ёзиб олинган нутқини эшиттирди.

ХЕЛЬСИНКИ. СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Скандинавия мамлакатларига қилаётган сафарига Финляндия газеталари катта эътибор бериб, бу воқеага ўзларининг бош мақолаларини ва редакцион мақолаларини бағишламоқдалар.

«Пяйвян саномат» газетаси Н. С. Хрушчевнинг сафари Скандинавиянинг ўзидагина эмас, шу билан бирга Европанинг бошқа мамлакатларида ва бутун дунёда ҳам зўр эътиборни жалб қилмоқда, деб ёзади. Газета Скандинавия мамлакатларининг матбуоти ва жамоатчилиги Н. С. Хрушчевнинг сафарига хайрихоҳлик билан қараётганлигини қайд қилмоқда. «Пяйвян саномат» газетаси бундай деб ёзади: олий мартабали меҳмон сафар қилиб борадиган мамлакатларнинг ҳаммасида у, албатта самимият ва сидқидиллик билан кутиб олинади ва бу сафар шимолий мамлакатлар билан Совет Иттифоқи астойдил интилаётган тарзда ҳамкорлик қилиш учун тагин ҳам яхши шарт-шароит яратиб беради, дейиш мумкин».

Финляндия, деб ёзади «Уусн Суоми» газетаси, «бош министр Хрушчевнинг шимолга қилаётган сафарида чин кўнгилдан энг яхши муваффақият тилаши керак. Чунки Финляндиянинг манфаатлари Совет Иттифоқи билан Шимол ўртасида мумкин қадар кўпроқ ҳамжиҳатлик ва ишончи бўлишини тақозо қилади».

«Суумни сосиалидемократти» газетаси «Бу сафар бутун инсониятнинг ялпи манфаатларига мос бўлиб тушадиган сиёсий мақсадларга эришишга жуда яхши таъсир қилади» деб ёзмоқда.

Тампере шаҳридаги «Кансан лехти» газетаси бу сафар натижасида тинч-тотув яшаш ишн мустаҳкамланади, деб умид билдирмоқда. (ТАСС).

КАЛЬКУТТАДАГИ ВИСТАВКАДА

ДЕҲЛИ, 17 июнь. (ТАСС). Калькуттада СССРда ясалган илмий асбоблар ва ускуналар виставкаси очилди. Виставкада нўргазмага қўйилган экспонатлар орасида, деб хабар берди «Амрита базар патрика» газетаси, электрон ўлчов асбоблари, синов аппаратлари, фотоаппаратлар, ҳавасқорлик кино камералари, турли соатлар, микроскоплар ва ниҳоят даражада сифатли бошқа оптик ускуналар ҳаммани энг кўп қизиқтирмоқда.

Ғарбий Бенгалиянинг савдо ва саноат министри Тарун Кантн Гхош виставкани очиш маросимида нутқ сўзлаб, Совет Иттифоқини саноатнинг ривожланишига юксак баҳо берди ва Совет Иттифоқи фан ҳамда техникани тараққий эттириш туфайли жаҳоннинг энг ҳудратли давлатларидан бири бўлиб қолганлигини айтди, дейилади газетанинг хабарида.

Виставка 25 июнга қадар давом этади.

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖАЗОИРГА КЕЛДИ

ЖАЗОИР, 16 июнь. (ТАСС). Бугун СССР Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раиси С. А. Скачков бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси Жазоирга келди.

Бугун Жазоир Халқ Демократик Республикасининг миллий экономика министри Башир Бумаза С. А. Скачковни қабул қилди.

Туркия трибуналининг қарори

АНҚАРА, 17 июнь. (ТАСС). Бугун бу ерда Туркия Республикасининг бош министрига суиқасд қилишда айбланган Месут Сунанинг ишини кўрган ҳарбий трибуналнинг мажлиси тамом бўлди.

Месут Суна 20 йил тюрьма жазосига ҳукм қилинди, унинг шерикларидан бири 8 йил ва иккинчиси 6 йил муддат билан тюрьма жазосига ҳукм қилинди.



Суратда: Норвегия пойтахти Ослода.

В. Черединцев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ДОИМИЙ КОМИССИЯСИДА

8 июндан 13 июнгача Лейпциг-Марклебергда (Германия Демократик Республикаси) Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Қишлоқ хўжалик доимий комиссиясининг 17-мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия Халқ Республикаси, Польша, Румния, Совет Иттифоқи ва Чехословакия делегацияларн қатнашди.

Комиссия мажлисида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарликни такомиллаштиришга, қишлоқ хўжалик экономикаси, қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ва планлаштириш масалаларига оид иш тажрибаларн ўртоқлашилди. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида илмий техника ютуқларини ҳамда илғор ишлаб чиқариш тажрибасини айирбошлашни янада ривожлантириш юзасидан белгиланган тавсиялар маъқулланиб, ҳамкорлик қилиш плани қабул этилди.

Комиссия Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган конкрет тадбирларни маъқуллади.

Бундан ташқари, комиссия ўзаро қизиқиш туғдириб турган бошқа масалаларни ҳам қараб чиқди.

Комиссия мажлиси қардошларча дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. (ТАСС).

БРИТАНИЯ ГВИАНАСИДАГИ ЎЗБОШИМЧАЛИК

ЖОРЖАУН, (ТАСС). Британия Гвианасида Халқ-прогрессив партияси раҳбарларини қамоққа олиш давом этмоқда. Жанубий Африкадаги мустамлакада узоқ йил хизмат қилган инглиз губернатори Льюитнинг буйруғи билан Прогрессив ёшлар союзининг бош секретари Невилл Аннибурн ва Қишлоқ хўжалик ишчилари касаба союзининг бош секретари Филомен Сахай қамоққа олиндилар.

Британия Гвианасининг бош министри Чедди Жаган инглиз мустамлакачиларининг диктаторлик методларига ва ўзбошимчаликларига қарши кескин норозилик билдирди.

Бош министр қамоққа олинганлар орасида ҳукуматга қарши бўлган «Бирлашган куч» партиясининг битта ҳам аъзоси йўқлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Чедди Жаган умум миллий радио орқали сўзлаган бу нутқини қисқартириб гапиришга мажбур бўлди, чунки Англиянинг мустамлакачи маъмурияти берган кўрсатма билан иш олиб боратган цензорлар кенгаш бу нутқни қисқартиришни буюрган эди. Аммо, оппозициячи партияларга, деди Жаган, ҳукумат ишини бемалол танқид қилиш учун тўла имконият берилмоқда, ҳукуматга қарши тўсқинликлар қилинмоқда.

Англия мустамлака маъмурлари одамларни қамоққа олаётганларида, биз ирқий тартибсизликлар рўй берганлиги, сабабли мана шундай фавқулодда чоралар кўрдик ва бу тартибсизликларга дарҳол чек қўймиз, деб даъво қилган эдилар. Аммо кейинги икки кунинг ўзидагина негрлар билан ҳиндлар ўртасида бўлган тўқнашувлар натижасида уч киши ўлдирилди ва йигирма киши яраланди.

Халқ-прогрессив партиясининг раҳбарлари, шу жумладан бош министр Ўринбосари Бриндли Бэнн ва парламентнинг тўрт депутати ҳеч бир айбсиз қамоққа олинганлиги, деди Халқ-прогрессив партиясининг раҳбарлиги, конституцияни қўпол равишда бузишнинг ўзидир. Биз, дейилади партия раҳбарлигининг баёнотида, қамоққа олинганларга нисбатан шахс дахлсизлигини гарантияловчи қонун дарҳол татбиқ этилишнн талаб қиламиз.

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАҚСАДИДА

ЖАЗОИР, 17 июнь. (ТАСС). Жазоир шаҳридаги француз базасининг тугатилиши муносабати билан Жазоир Республикасининг президенти Аҳмад бин Белла кеча кечқурун Жазоир радиоси ва телевиденнеси орқали нутқ сўзлаб, бу воқеа Жазоирнинг миллий суверенитети ва мустақиллиги мустаҳкамланиб боратганлигини исбот қилади, деди.

«Жазоир халқи, — деб таъкидлади бин Белла, — ўзи танлаб олган социалистик йўлдан қайтмаслигини яна бир марта билдиради».

ЯНА СУИҚАСД

ПАРИЖ, 17 июнь. (ТАСС). Басутоленд Коммунистик партиясининг раҳбарларидан бири, касаба союз арбоби Нафо Мефанега кеча суиқасд қилинди. Номаълум киши унга пичоқ урди. Мефане касалхонага юборилди, деб хабар берди Франс Пресс агентлигининг мухбири Масерудан.

Кейинги вақтларда бу билан Басутоленд Коммунистик партияси раҳбарларига иккинчи марта суиқасд қилинди. Бундан икки ҳафта илгари Басутоленд Компартиясининг секретари Жон Мотлохелоага суиқасд қилинган эди. Ҳар иккала суиқасдда қатнашган жиноятчилар қўлга туширилгани йўқ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Пионерлар уйига келинг,** 18.35 — **Телевизион янгиликлар,** 18.55 — Шонли 40 йиллик олдидан. **Пахта — бизнинг фахримиз,** 19.25 — **Мусобақа голиблари** (Тошкент пиллакашлик фабрикасидан) 20.15 — **Чорраҳа** (бадиий фильм). 21.45 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 21.50 — **Телевизион янгиликлар,** 22.10 — Концерт (классик куйлардан). 22.50 — **Экран янгиликлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.40 — **Саёҳат трассаси,** 19.05 — **Волга бўйлаб** (фильм-концерт), 19.40 — **Арманистон рассомлари,** 20.10 — **Саратов химияси** 20.30 — **Оталар сўнмас шуҳрати,** 20.50 — **Мезонинли уй** (телевизион спектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/VI да **Севилья сартароши,** 20/VI да **Анда.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Париж сирлари — «ВАТАН», «ИСКРА», «СПУТНИК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати (кеч соат 6 гача), **Шуҳрат ҳалқаси** (кеч 8 ва 10 да) — «МИР».

Улим чангалида (эрталаб соат 10 да), **Бомбай қизи** (кундуз ва кечқурун) — НАВОИЙ номли.

Қатъий ўйин — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2 яримгача), «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Калоян — «ДРУЖБА» (1-залда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Палиастоми — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

«Ошиқлар» ва «Пичоқлар» — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун).

Леди Гамильтон — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 9-45 минутда).

Бор экан, йўқ экан, бир қиз бўлган экан — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Крош саргузаштлари — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЕЗГИ БИНОСИДА

ОГАҲИЙ НОМЛИ

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИ ГАСТРОЛЛАРИ

20 июнда

СУНГГИ ХОН

(Хоразм ҳаётидан)

21 июнда

ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

Спектакль кеч соат 9 да бошланади. Билетлар қишки бинода кундуз соат 12 дан, ёзги бинода соат 5 дан сотилади.

Диссертация ёқлайдилар

1964 йил 29 июнь эрталаб соат 10 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 55-а уй, ижтимоий фанлар институтларининг конференц-зали)

А. И. Исқанов — филология фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Ҳозирги замон қозоқ тилида сўзнинг морфологик структураси ва от сўз туркумлари» деган темада.

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1964 йил 29 июнь кундуз соат 2 да, **В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети юридик фа**, культетининг илмий совети мажлисида (Комсомол кўчаси, 72-уй, акт зали)

Т. А. Жалилов — юридик фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Туркистонда ишчи-деҳқон милициясининг ташкил топиши ва унинг Совет ҳокиматини мустаҳкамлашдаги фаолияти (1917—1924 йиллар)» деган темада.

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

БИРЛАШГАН НАШРИЁТГА

ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 8-уй, 3-хонада кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

◆ **Берлинда Европа мамлакатлари қурилиш саноатида иш ҳақи ва меҳнат шароитлари проблемаларига бағишланган халқаро семинар ўз ишини бошлади.**

Семинарда Германия Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи, Чехословакия, Финляндия, Франция, Греция, Исландия, Италия, Норвегия, Австрия, Польша, Руминия, Швеция, Венгрия, Ғарбий Германия ва Кипр касаба союзларининг вакиллари қатнашмоқда.

◆ **Москва Бадиий академик театри труппаси Лондондаги тантанали чиқишларидан кейин Парижга келди. МХАТ коллективи парижликларга уч спектакль: «Кремль курантлари», «Олчазор» ва «Ўлик жонлар»ни кўрсатади.**

◆ **Бундан икки йил илгари Чилидаги Серро-Калан обсерваториясида ўз приборларини ўрнатган совет олимлари жанубий ярим шар юлдузларн устидан 30 мингга яқин кузатиш ўтказдилар. Яқин вақт ичида Сантьяго яқинида яна бир совет телескопи монтаж қилинади. Бу телескоп совет ва Чили астрономларига кузатиш ишларини давомайтириш имконини беради.**

◆ **Эквадор маъмурлари жамоатчилигининг тазйиқи остида машҳур ёзувчи, Эквадор Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Энрике Хиль Хильбертни тюрьмадан озод қилдилар. Оташин ватанпарвар «Гарсиа, Морено» тюрьмасига бундан 11 ой илгари ташланган эди.**

◆ **Жазоирда Жазоир Халқ Демократик Республикаси билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида 1964 йилги маданий алоқа тўғрисида протокол имзоланди. Маданият, санъат, кино, театр, радио ва телевидение, фольклор, кутубхоначилик ишлари соҳасида айирбошлашиш кўзда тутилади.**

◆ **Германия Демократик Республикасининг парламент делегацияси визит билан Қоҳирага келди. Меҳмонлар Бирлашган Араб Республикаси ҳаётининг турли томонлари билан танишадилар.**

◆ **Сан-Себасьянада (Испания) халқаро кинофестиваль тугади. Фестивалнинг асосий мукофоти — «Катта олтин чиғаноқ» АҚШнинг «Америка, Америка» фильмига берилди. «Лимонадли Жо» деган чехословак фильми «Кумуш чиғаноқ» билан мукофотланди. «Тула холажон» фильми (Испания) энг яхши постановка учун мукофот билан тақдирланди. Аёллар ролини энг яхши ижро этганлиги учун Америка артисткаси Ава Гарднер, эркаклар ролини энг яхши ижро этганлиги учун француз артисти Морис Биро ва инглиз Речард Альтенборо мукофотландилар.**

◆ **Турли бахтсиз ҳодисалар натижасида ўтган йили Японияда 40.000 га яқин киши ҳалок бўлди. Айниқса кўча ҳалокатлари натижасида кўп киши — 15 минг киши ўлди.**

◆ **Чет эл нефть компаниялари сўнгги беш йил ичида Венесуэладан 2.100 миллион доллар фойда олдилар. Бу эса уларнинг дастлабки капитал сарфлашларидан икки баравар кўпдир. Венесуэланинг савдо ва саноат палаталари ҳамда уюшмалари федерацияси миллий ассамблеясининг делегатлари ўз нутқларида ана шу маълумотларни келтирдилар. Ассамблея ҳукуматни чет элларнинг капитал қўйишини чеклашга ва миллий саноатни ривожлантириш учун шароит яратиб беришга чақирди. (ТАСС).**

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ, Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469. 27221, Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳаётнати Ўзбекистон» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 05691. ИНДЕКС — 64543. № Б — 141.